



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
кељаги
бунда
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 1 июнь, № 106 (4259)

Жума

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб кўтиб олиш, бу кўтлуг сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгига бебаҳо неъмат бўлмиш мустақилликнинг беқиёс аҳамияти, она Ватанга мухаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Республика комиссияси "Бу байрам — барчамизники, бутун халқимизники" деган эзгу гоғияни ўзида мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дас-турини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.
3. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, ташкилий, гоғий-бадий жиҳатдан юксак савияда, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар кўмитаси, "Нуруний" ва "Маҳалла" жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.
- Ушбу тадбирлар режасида кўйилган масалаларга эътибор қаратилсин:
- истиклолнинг ёш авлод тақдирини, уларнинг замонавий дунёқараши, билим ва тафаккури, фаол гражданилик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги беқиёс ўрни ва аҳамиятини, йиғит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш борасида эришаётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;
- хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, эл-юрт таянчи бўлиши оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттириш;
- мамлакатимизни иқтисодий ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шухратини дунёга тараннум этиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибратини ва ҳаётий тажрибасини намуна кўрсатган, эл-юртга хизмати сингган кекса авлод вакилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;
- истиклолимиз билан боғлиқ эзгу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъий эвазига қўлга киритилгани, кенг қўлламли илохотларимиз моҳияти эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-усуллар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъий назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги туб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётта онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжамиятлик фазилятлари тобора кучайиб бораётганини, бу эса барча ютуқ-

- ларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиётимизнинг асосий шартини ва гарови бўлиб хизмат қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.
4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб бурсин.
5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилаётган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, саҳна расомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.
6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқаватли уйлар атрофида кенг қўлламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.
7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиклолини тараннум этадиган энг яхши қўшиқ ва мусиқий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. Танлов гоғиллари ва совриндорлари Мустақиллик байрами арафасида эълон қилинсин.
8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуг ва энг азиз" анъанавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.
9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Нихол" мукофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда гоғиллар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.
10. Белгилаб қўйилсинки, ўтказилаётган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, хўжаликлар, жамғармалар ҳисобидан;
- Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.
11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига мустақилликнинг ўн олти йиллиги байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни атрофлича ёритиб бориш тавсия этилсин.
12. Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 30 май

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куну



Дунёда ўзбекчалик болажон, болапарвар халқ бўлмаса керак. Хонадонимизда фарзанд дунёга келган кун энг қувончли, энг ҳаяжонли сана сифатида кўнгилларда муҳрланиб қолади. Хонадон соҳиби ота-онаси билан маслаҳатлашиб, оқсоқоллар билан кенгашиб, китоб кўриб, дилбандига чиройли исми қўяди. Юрагидagi ширин орзу-умидларини, эзгу тилакларини фарзанди, унинг муборак исми билан боғлайди. Ўзи етолмаган ният-мақсадларига қонидан, жонидан бунёд бўлгани — боласи етишини истайди. Шу йўлда ўзи ҳам ҳаракатга тушиб кетади. Йиғиниб, териниб, тоғанини сандиғига ташлайди. Тўй қилиш, уй солиш ҳаракатиға тушади. Кўчатлар экиб, боғлар яратади. Ўғил фарзанд туғилганда унга атаб терак экиш одати ҳам халқимизнинг азалий қадриятлари сирасига киради.

ДУНЁДА БОЛАМ ДЕБ ЯШАЙДИ ЎЗБЕК

Зеро, бу улғайиб, катта ҳаёт остонасига қадам қўйганда ўша кўчатлар ҳам етилиб, янги иморатнинг томини ёпиш учун тайёр бўлади. Таъбир жоиз бўлса, ўзбек хонадонига фарзанд билан бирга орзу-ниятлар ҳам туғилади. Бола камолга етиши боробарида ана шу эзгу орзулар ҳам улғая боради. Мунис, мукаррам онажонларимизнинг фарзандларига бўлган меҳр-мухаббатини ҳеч нарсага менғзаб бўлмайди. Бу меҳр оналар қалбида, вужудда азим дарё мавжларидек мудом тўлқинланиб туради. Улар фарзандини кўз қорачиғидек асраб-авайлайди. Нуридийдаси учун жони-жаҳонини ҳам аямайди. Момолардан ёдгор қўзна бешик қошида алла айтиб, тунларни тонларга улайди. Гўдагининг ҳар бир қилиғидан ўзгача маъно-мазмун туйиб, бир олам завқ-шавқ олади. Ўзбек боласига тўй қилиб, эл-юрт олдиға дастурхон ёзишни қанда қилмайди. Бола ҳеч нарсадан зорикмасин, ўқинмасин, бағри тўлиб ўссин деган ниятда тинимсиз ёлиб-югуради, қўлидан келган ишни қилади. Бу йўлда сув келса симириб, тоғ келса кемиришга ҳам тайёр. Хуллас, дилбанднинг ажлдорлиғига, элу юртға муносиби, ақл-идрокли, фаҳм-фаросатли, иймон-эътиқодли фарзанд бўлиб камол-

га етиши учун бутун борлиғини баҳшида этади. Ўзбек оналари оғзидаги сўнги луқмасини ҳам боласига тутаяди, унга илинади. Узр-қўя, лекин биз қаламқашлар «фидойилик» деган сўзни бўлар-бўлмас ишлатишға кўникиб қолганмиз. Аслида бу сўз тўлиғича меҳри уммон онажонларимизға, фарзанди учун умрини, бор бисотини беришға қодир пиру бадавлат, саховатпеша отахонларимизға тағишли. Уларнинг фидойилиғига, жонқурлиғига, жонбозлиғини таърифлашға сўз йўқ. Кексалар кимни дир ҳақига дус қилса: — Униб-ўстин, ўзиндан кўпайгин, болаларингнинг орзу-ҳавасини кўргин! — дея эзгу тилак билдиришиди. Болам, деса юраги қўринади ўзбекнинг. Оналаримиз гўдакларининг уйқудан чўиб уйғонмаслиғи учун дунёда тинчлик-хотир-жаллик барқарор бўлишини тилайди. Боласи бахтини эл-юрт бахтидан, давлатнинг эртаси, равнақидан айрича тасаввур этолмайди, мунис онажонларимиз. Ўзбек фарзандининг чанқоқ кўзларига боқиб, ўзининг ёрқин келажакини, орзу-умидларини кўради. (Давоми 2-бетда).

Озод ва обод Ватан сеникидир...

Бухоро шаҳридаги вилоят марказий маданият ва истироҳат боғида "Озод ва обод Ватан сеникидир, болажон!" ширин остида хайрий тадбири ўтказилди. Бу ерда "Дунё — болалар нигоҳида" мавзуда асфальтта расм чизиш танлови, югуриш, арқонда сакраш каби спорт мусобақалари ташкил этилди. Атракционлар кун бўйи болажонлар ихтиёрида бўлди. Тадбир доирасида намойиш этилган Садриддин Айний номидиға Бухоро вилоят мусиқали драма театрининг "Семурғ" спектакли махсус мактаб-интернатлар ҳамда Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларида унутилмас таассурот қолдирди.

Э. ЁДГОРОВ,
ЎЗА МУХБИРИ.

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Мамлакатимизда спортни оммавийлаштиришда алоҳида эътибор қаратилаётганига ҳар бир йиғит-қиз ўз имкониятларини намойиш этиши, орзу-умидларини рўёбга чиқаришға йўл очиб берапти.

**БЕЛЛАШУВГА
ТАЙЁРМИЗ**

Шу маънода, яқин кунларда пойтахтимизда ўтказилаётган «Универсиада-2007» спорт анжумани ҳам биз ёшларға берилган яна бир имкониятдир. Мен аввалги «Универсиада» мусобақаларида шахмат бўйича яқаллик баҳсларда биринчи ўринни эгаллаган эдим. Вилоят шахматчилари эса бешинчи ўринға сазовор бўлишганди. Бу гал эса жамоамиз билан биргаликда гоғиллик шоҳсупасини мўлжаллаб турибмиз. Қўраётган тайёргарлигимиз ҳам шунға яраша. Қолаверса, хоразмлик талаба ёшларининг, ота-оналаримизнинг билдираётган ишончи ҳам бизни гоғилликка ундаяпти. Галнинг сирасини айтганда, биз талаба спортчилар «Универсиада» спорт баҳсларида фаол қатнашиб, иродаимизни янада мустаҳкамлаймиз, тенгдошларимиз қалбида спортга янада ҳавас уйғотамиз. Биз ёшлар она Ватанимизға муносиб фарзандлар эканлигимизни яна бир бор намойиш қиламиз.

Боксчиларимиз ғалабаси

Германияда бокс бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган анъанавий Бранденбург кубоғи мусобақаларида юртдошларимиз умумжамоа ҳисобида фахрли иккинчи ўринни қўлга киритдилар. Уч нафар вакилимиз — Шерзод Жўраев, Хуршид Тожибоев ҳамда Ўткир Назировлар ўз вази тоифаларида олтин медалларға сазовор бўлишди. Хуршид Алимризаев ва Соҳибжон Мамажоновларға кумуш, Зоҳид Султоновға бронза медаллари nasib этди.

Э. ЖОНИБЕКОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Шу йилнинг биринчи чорағида мамлакатимизда бажарилган йўлсозлик ишлари белгиланган ҳажмға нисбатан 105,5 фоизни ташкил этди

Халқаро ва давлат аҳамиятиға эға умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал ва ўртача таъмирлаш бўйича тасдиқланган дастурлар изчил амалға оширилгани мазкур тизимда ўсиш суръатини таъминлашда муҳим омил бўлди.

Урганчда ёшлар маркази

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси қошидаги "Келажак овози" ёшлар ташаббуслари маркази учун Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали биносидан хоналар ажратиб берилди. Бу ерда ёшлар турли йўналишлар бўйича тўғарақларда шуғулланадилар, таъсирий ва амалий санъат, бадий ижод, дизайн, ижтимоий лойиҳалар, ахборот ва коммуникацион технологиялар сингари соҳалар бўйича билим олиб, малака оширадилар.

Пўлатбек БЕКМЕТОВ.

БОШ ПРОКУРАТУРА ҲАЙЪАТИ ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида кенгайтирилган ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Сенатининг 2006 йил 30 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн тўрт йиллиги муносабати билан аминисти тўғрисида»ги қарорни ижросини таъминлаш билан боғлиқ масала муҳокама қилинди. Қарорнинг аҳамияти, маъмуни ва моҳиятини кенг жамоатчилик ўртасида тушунтириш мақсадида жойларда 2 минг 176 суҳбат ва учрашув ўтказилди, оммавий ахборот воситаларида беш юзга яқин чиқишлар қилинди. Мазкур қарор 44 мингдан зиёд шахса нисбатан таътиқ этилиб, жумладан содир қилган жиноий ҳаракати учун жазаға тортилсини лозим бўлган 2 минг 377 аёл ва 689 воғға етмаганлар жазодан озод қилинди. Бу борада жойларда муайян ишлар амалға оширилди. Мажлисда қарор ижросини таъминлаш борасида амалға оширилган ишлар билан бир қаторда, баъзи хато ва камчиликларға йўл қўйилгани таътиқлаб ўтилди. Шунингдек, ҳайъат йиғилишида «Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар киратилади» (Давоми 2-бетда).

(Давоми 2-бетда).

Хўшхабар

ЖАҲОН

24 соат ичида

Вертолёт қулаб тушди



Афғонистоннинг жанубида НАТО ҳарбийлариға тегишли вертолётнинг қулаши оқибатида етти киши ҳалок бўлди. Шундан 5 нафари экипаж аъзолари ва икки нафари ҳарбийлардир. Манбада айтилишича, айни пайтда авиаҳалокат сабаблари ўрганилмоқда. «Толибон» ҳаракати бу терактга дахлдорлигини бўйнига олди.

Перес президент бўлмоқчи

Исроил Бош вазири ўринбосари Шимон Перес мамлакат президентлиги учун ўз номзодини илгари суришини расман билдирди.

Бош вазир Эхуд Ольмерт ва айни пайтда президент вазифасини бажариб турган Кнессет спикери Далия Итцик ҳам Переснинг қарорини қўллаб-қувватлаётгани маълум қилишди.

Бирок кўпчилик Переснинг Кнессетда етарли овоз олишига шубҳа билдирмоқда. Сабаби, Шимон Перес анча қариб қолган. У шу йилнинг август ойида 84 ёшга кирди.

Трибунал ташкил қилинади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши Ливаннинг собиқ бош вазири Рафик Харирийнинг ўлимига алоқадорликда гумон қилинаётган шахслар устидан трибунал ташкил қилиш тўғрисидаги резолюция лойиҳасини тасдиқлади.

10 июнга қадар Ливан БМТ тақлифини ратификация қилиши лозим. Агар Ливан мазкур резолюцияни тасдиқламаса, БМТ Хавфсизлик Кенгаши мустақил тарзда трибунал ташкил қилади. Ливан Бош вазири ушбу ғояни қўллаб-қувватлашини билдирди.




Косовонинг мақомига доир

АҚШ Давлат котиби Кондолиза Райс Косово Сербиянинг бир қисми эмаслигини таъкидлади. «Катта саккизлик» давлатлари ташқи ишлар вазирларининг Потсдамда бўлиб ўтган учрашувида у бу ҳақда баёнот берди. Райс вазиятдан чиқиш йўли кидирлаётганини билдирди. Унинг фикрича, Ахтисариининг режаси муаммони ҳал қилишда энг мақбул йўлдир. Бирок Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров яқин вақт ичида Косовонинг мақоми белгиланганда бир қелишувга эришиш амри маҳол эканлигини айтди.


Маҳбус жонига қасд қилдимиз?

Гуантанамо қамоқхонасида Саудия арабистонлик маҳбус ўз камерасида ўлик ҳолда топилган. Бу ҳақда «Франс-пресс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Дастлабки текширув натижаларига кўра, маҳбус ўз жонига қасд қилган ҳам бўлиши мумкин. Утган йили ҳам худди шундай учта ҳолат қайд этилганди. Халқаро жамоатчилиқнинг фикрича, маҳбуслар қийноқлар ва ҳўриқлардан шу тарихқа ўзини ҳимоя қилишмоқда. Шунинг учун дунёдаги кўплаб инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар Гуантанамо ёпилишини талаб қилишмоқда.



Хусусийлаштиришга эҳтиёж йўқ




Беларусь ҳукумати жорий йилда мамлакатдаги нефть саноатини хусусийлаштиришни бекор қилди. Бу ҳақда «Ведомости» газетаси хабар тарқатди. Бунга сабаб, жорий йилнинг биринчи чорагида бюджет профицити 9,2 фоизни ташкил этган. Мамлакат президенти Александр Лукашенконинг фикрича, ҳозир хусусийлаштиришга жиддий эҳтиёж йўқ.

Сайлов қонунчилигига зид ҳаракат

Таиланд суди мамлакат собиқ бош вазири Таксин Чинаватнинг Тай Рак Тай партияси ўтган йил баҳорда бўлиб ўтган сайловларда қонунларни бузганлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Бундан ташқари, Таксин Чинаватнинг юқори лавозимларда беш йил давомида ишлашини ҳам тақиқлаб қўйди. Тай Рак Тай партиясининг икки вакили сайлов натижаларини ўзгартириш учун бошқа икки партия вакилларини пора эвазига сотиб олган. Партиянинг собиқ вакилларидан бири суднинг ушбу қарори минглаб одамларнинг норозилигига сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирди. Айни пайтда мамлакатда хавфсизлик чоралари кучайтирилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.



Мухтарам хонимлар ва жаноблар!

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ

«ПАХТАБАНК» ИНИНГ

акцияларини харид қилиб мулкдорга айланинг ҳамда доимий даромад манбаига эга бўлинг!

Эслатиб ўтамиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги «Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ, тижорат банклари акциялари бўйича жисмоний шахсларнинг дивиденд тарзида олган даромадлари 2010 йилнинг 1 январига қадар солиққа тортишдан озод қилинган.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 19 декабрдаги «Тижорат банкларининг капиталлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, 2007 йилнинг 1 январидан бошлаб 2010 йилнинг 1 январигача:

- юридик шахсларнинг тижорат банклари акциялари бўйича дивиденд сифатида

олинган даромадлари солиқ солишдан озод қилинади;

- фойда солиғи ва ягона солиқ тўлови бўйича солиққа тортиш базаси бирламчи ва қўшимча равишда чиқарилган тижорат банклари акцияларини харид қилишга йўналтирилган маблағлар суммасига тенг миқдорда камайтирилади.

Шошилинг, ушбу имтиёзлар тижорат банкларининг 2007 йил 1 январдан бошлаб сотиб олинган акцияларига, шунингдек, 2009 йилнинг 31 декабрига қадар тўланадиган акциялар бўйича дивидендларга нисбатан қўлланилади.

«Пахтабанк» акциялари «Тошкент» республика фонд биржасининг «А» тоифасидаги расмий листингида бўлиб, бу энг ишончли акциялар эканлигидан далолат беради.

Шикоятларни қўлдан бўй берманг!
Даромадингизни янада қўпайтиринг.

Тўлиқ маълумот олиш учун куйидаги телефон орқали мурожаат этиш мумкин: (8371) 173-25-51.

«Пахтабанк» — фаровонлигингиз калитидир!

Хизматлар лицензияланган

МУЛКЛАРНИ БАХОЛАШ КЎРИГИДАН ЎТКАЗУВЧИ МУТАХАССИСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Наманган вилояти хўжалик судининг 2002 йил 13 сентябрдаги 16-0201-1041-сонли ажрими билан корхонага ташқи бошқарув тамойили жорий этилган.

«Ўзбекистон ўрамли томёпқич ашёлари комбинати» ОАЖда банкотлик тўғрисидаги қонуннинг 110-моддасига асосан корхона (бизнесини) мулкчи мажмуа сифатида баҳолаш, корхона мулклари бозор баҳосини (қийматини) аниқлаш мақсадида юқорида айтиб ўтилган соҳа мутахассислари ўртасида тендер танлови ўтказилади.

Корхона (бизнесини) мулкларини баҳолашни қисқа ҳамда тез муддатларда Ўзбекистон Республикаси қонунлари асосида бажарувчи юридик шахслар тендерда қатнашишлари мумкин. Тендерда қатнашувчи юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитасининг махсус лицензиясига эга бўлишлари шарт.

Ушбу танловда қатнашиш учун 2007 йил 10 июнь кунига қадар куйидаги манзилга мурожаат этиш мумкин: Наманган вилояти, Поп тумани, Исковут-19. Тел.: (8-369) 43-31-505, 43-31-186 (коммутатор).

Ташқи бошқарувчи

Газ уағуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚҚ

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили куйидагиларни тақлиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК)

МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортик.

Ўлчаш вақти, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧANAЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:

- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 м³ дан 6 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 м³ дан 10 м³ гача);
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 м³ дан 16 м³ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштаб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

Setco Магазин-салон «УМНЫЙ ДОМ»
www.setco.uz
Мини-АТС, Видео-наблюдение, Контроль доступа. (Под заказ)
Тел.: 138-9999, 137-2988

Саноат соҳалари корхоналари раҳбарлари ва тадбиркорлар диққатига!

2007 йил 6-8 июнь кунлари

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси ва «Sino» ОАЖнинг Технологик савдо марказида

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси корхоналарида ички ва соҳалараро кооперациянинг ривожланиши мавзусида

кўргазма-тақдимот ўтказилади.

Кўргазма 2007 йил 6 июнь кунини соат 10.00 да очилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Мовароуннахр кўчаси, 13-уй. Мўлжал: Ташқи иқтисодий алоқалар ва савдо вазирлиги ҳамда Марказий банк бинолари жойлашган чорраҳа ёнида.

Импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва локализацияни ривожлантириш иқтисодийнинг устувор вазибаларидан биридир.

Мазкур масалаларни ҳал этиш ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини арзонлаштириш, валюта ресурсларини тежаш, фаолият олиб бораётган корхоналарни иш билан тавминлаш, янги ишлаб чиқариш қувватлари ва иш ўринларини ташкил этишга имкон яратади.

Бу — рақобатни кучайтириш ва юқори технологик иқтисодий ривожлантиришнинг босқичларидан биридир.

Кўргазмада «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг маҳаллий электртехника,

ка, радиоэлектроника саноати ва асбобсозлик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган кенг ассортиментдаги маҳсулотлар намойиш этилади. Шунингдек, кўргазмага «Sino» ОАЖда ишлаб чиқарилаётган музлатгичлар, савдо-технологик ускуналар, кондиционерларнинг сплит-системлари (сплит-система) кўйлади.

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш учун тақлиф этилаётган ва ҳозирги кунда соҳа корхоналари импорт қилаётган бутловчи қисмлар ва бўюмлар намуналари ва улар тўғрисидаги маълумотлар кўргазмада сезинг эътиборингизга ҳавола этилади.

Биз сизни кўргазма-тақдимотда кўрсак, ҳурсанд бўламиз. Чунки сизга тақлиф этадиган маҳсулотларимиз бисёр.

«Ўзэлтехсаноат» уюшмаси бошқаруви.

Товар сертификатланган
NISSAN
100% ГАРАНТИЯ
195-88-77 ВСЕ МОДЕЛЬНЫЙ РЯД от 14 500 у.е. + подарок

Яхши хабарлар

Театр ижодий сафарда

Юсуфжон Шакаржонов номидаги Фарғона давлат драма ва комедия театрининг Тошкентга саёхати яхши анъанага айланган. Айни кунларда пойтахтимиз театрларида навбатдаги ижодий сафар давом этмоқда. Унда Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг «Бахт куши» деб номланган асарининг борра томошабинлар ҳуқмига ҳавола қилинди. Шунингдек, Абдор Хидоят номидаги театрда Халик Хурсандовнинг «Кампир тоғайми, дадажон?» ҳамда француз драматурги Эжен Лобашининг «Мизантроп ёки Одамови» спектакллари намойиш этилди.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

Рассомнинг яна бир зафари

Халқимиз Махмуд Эшонқуловни кўлга бой карикатуралари орқали яхши танийди. Сўнгги йилларда ҳамюртимизнинг истеъдоди халқаро доираларда ҳам ўз эътирофини топмоқда.

Яқиндагина Туркияда бўлиб ўтган «Жемална-дир» кўргазмасида эришилган галабага яна бир муваффақият эши бўлди. Хитойнинг Нинкин шаҳрида ўтказилган халқаро танловда Махмуд Эшонқулов иккинчи ўринга сазовор бўлди. Эътиборлиси, ушбу танловда ҳамюртларимиз Мавлуд Таштанов ва Радик Азизовлар ҳам рағбатлантирувчи мукофотларга лойиқ деб топилди.

Куни кеча Махмуд Эшонқулов номига Хорватиядан табрик мактуби келди. Унда ёзилишича, мамлакат пойтахти Загреб шаҳрида ўтказилган XII Халқаро карикатура кўргазмасида ҳамюртимиз биринчи ўринни кўлга киритибди.

Анвар САМАДОВ.

Яшил майдон юлдузлари



Мамлакатимизда спортга берилган эътиборнинг кучайганиги, истиқлол туғайли истеъодларимиз жаҳон майдонларини забт этаётганлиги яққол кўриниб турган ҳақиқат. Спортнинг кўп қисми турлари, хусусан, миллионлар ўйини футболда ҳам номдор, дунё тан олган вакилларимиз бор. Шулардан бири Осий ўйинлари ғолиби, ўсимирлар ўртасида Европа ва жаҳон чемпиони Миржалол Қосимовдир. Унинг ўзбек футбол шухратини жаҳонга танитиш, халқаро майдонларда нуфузини юксалтиришда ибрат ва намуна кўрсатгани, миллий футбол мактабини ривожлантириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси Президентимиз томонидан юксак баҳоланди. Юртбошимиз Фармонига биноан Миржалол Қосимов "Меҳнат шухрати" ордени билан мукофотланди.

Биз футболимизнинг ёрқин юлдузи Миржалол Қосимов ҳақидаги фикрлар билан қўзиқиб, юртдошларимизга мушоафат этдик.

Аброр ИММОНЖАЕВ, футбол шарҳловчиси:
— Миржалолни жуда ёшлагандан танидимиз. Албатта, футболчиларимиз Европа мамлакатларига бориб малака оширсин, терма жамоамизга катта фойда бериши турган гап. Хориж клублари футболчиларимизни терма жамоа ихтиёрига юбормаслик учун не-не баҳоналарни ўйлаб топиларини ҳам яхши биласиз. Лекин Миржалол қандай қилиб бўлса-да, терма жамоа ўйинига вақтида етиб келишга ҳаракат қиларди. Баъзи хорижий клублар Қосимов билан шартнома имзолаётганида "Терма жамоа ихтиёрига фақат клуб рўхсати билан кетаман" деган банд киритиш эвазига унинг даромадини икки-уч баравар ошириш таклифини ҳам ўртага ташлаганлар. Лекин Миржалол доимо рад жавобини берган!

Яна бир жиҳати, кўпчилик профессионал футболчилар жароҳат олгандан сўнг майдонга узок вақт ёки буткул қайтиб туша олишмайди. Ўзбекистон терма жамоасининг 1994 йилги Осий ўйинлари ғолиби, 1995 йилда "Алания" клубининг Россия чемпиони бўлишида Миржалолнинг катта ҳиссаси бор. Уша пайтдаги оғир ўйинлар уни толиқтириб қўяди. Орадан бир йил ўтиб умуртка жоннаси касаллиги билан жароҳат соғлига ётқизилади. Германияда операция қилиниб, Ватанига қайтган футбол юлдузини уйга шифокорлар замбида олиб киришганида, унинг ақинлари аҳолини тасаввур этишининг ўзи қанчалар оғир. Миржалол орадан

ФАХРИМИЗСАН, МИРЖАЛОЛ!

бир йил ҳам ўтмасдан нафақат оёққа турди, балки мураббийларидан майдонга туширишларини сўради! Уша пайтда миллий терма жамоамиз 1998 йилги жаҳон чемпионати саралаш ўйинларида иштирок этаётганида. Хали ҳеч қайси жамоада шугулланмаётган Қосимов Тошкентда БАА термаси билан кечадиган ўйинга терма жамоа либосида тушиб келганида бутун стадион ўрнидан туриб, Миржалолни кўзида секин ёшлари билан оқибатини ҳам яхши биласиз. 2002 йилги жаҳон чемпионати саралаш учрашувларидан аввал ҳам Миржалол қаттиқ шамоллаб қолди. Одатда шифокорлар касалликни оёққа олиб келиши ҳақида кўп гапиришарди. Лекин олдинда миллий терма жамоа шарафини ҳимоя қилишда шарафли вазифа турганда... Деярли бир ҳафта у кучли дори воситалари ердимида касаллик билан курашди. Аммо юқори ҳарорат ўйин кунини ҳам бор эди. Миржалол ана шу ҳолатда майдонга тушди.

Ҳайдар АКБАРОВ, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги масъул ходими:
— Миржалол Ўзбекистон терма жамоаси сафида 67 бор (рекорд кўрсаткич) майдонга тушиб, 30 марта тўп киритган. У ўзи тўп сурган

клублар, терма жамоа сафида юзлаб голларга ҳаммуаллифлик қилган. Яъни, шу голлар Миржалолнинг заргарона тўп узатишидан сўнггина дарвозаларга киритилган. Мен унинг яна муҳим жиҳати ҳақида тўхталмоқчиман. Айрим футболчилар сал омади юришган, юлдузлик касалига йўлиқишарди. Миржалолда эса умуман бундай ҳолат кузатилмаган. Миржалол майдонда бирорта футболчига жароҳат етказганини эслаймоқчиман. Димо рақибларини аяб уйнашга ҳаракат қиларди. У ҳулқи, футболга бўлган садоқати билан ҳам қадридли. Миржалол деганда, ўзбек футболнинг ёрқин юлдузи, тарбияли иймон-этиқодли инсон кўз ўнгимизда гавдаланади.

Қўшоқ ака ҚОСИМОВ, Миржалолнинг отаси:
— Аввало, ҳар бир ютуқнинг замирида катта меҳнат ётади. Мен ўғлимга ёшлагандан меҳнатсеварликни, тўғри бўлишни, ҳаром-ҳаридан озоқ юришни ўргатдим. Ўзим оилавий шароитим тўғри келмагани учун футболчи бўлолмадим. Шунинг учун қандай бўлмасин Миржалолнинг спортга қизиқтиришга ҳаракат қилдим. Маҳалламиздаги болаларни йиғиб футбол ўйнаттирдим. Ўғлим мактабдан келиши билан аял-таял оқватганиб кўчага югурар, фақат қош қорайганида

пучкайган тўпни қўлтиқлаб уйга қайтарди. Болам ўн ёшга тулганда Қорақамиш даҳасидаги «Чигатой» футбол мактабига олиб бордим. Бу ердаги мураббийларга Миржалолнинг ўз ёшига хос бўлмаган ақли футбол намоиши этиши, исталган масофага тўпни аниқ ошириб бериши ва жарима тўпларини қўйилмақом бажариши ҳайрон қолдирганди. Шукрки, бугун ўғлим ўз меҳнатлари билан юртга танилди. Ҳозир унинг фарзандлари — невараларим Миржомол "Қурувчи" жамоаси уринбосарлари таркибидан ўйнаётди. Кичиги Миржомол қаратга қатнашиб тўққиз ёшда "Қора белбоғ" соҳиби бўлди. Эндиликда "Пахтакор" футбол клуби қошидаги махсус болалар спорт мактабиде тахсил оляпти. Юртимизда Миржалолга ўхшаб, ўйин кўрсатадиган ёшларимиз кўпайсин деб дуо қиламан. Ҳар бир ота мен каби ўз фарзанди билан фахрлансин.

Бугун Миржалол катта футбол билан хайрлашмоқда. Лекин бутунлай эмас. У бундан кейин мураббийлик фаолиятида ўзбек футболнинг жаҳон майдонларида улкан муваффақиятларга эришишида яна ўз ҳиссасини қўшишига ишонамиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» муҳбири. Сарвар Ўсмонов (ЎЗА) олган сурат.

Ҳамюртларимиз халқаро турнир ғолиби

Германияда фахрий футболчилар ўртасида ўтказилган халқаро турнир ҳамюртларимиз учун омадли келди.

Биродар Абдураимов бошчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси барча учрашувларни муваффақиятли ўтказди. Улар финалда Чехия футболчиларини 2:1 ҳисобида доғда қолдириб, биринчи ўринни қўлга киритди. Азамат Абдураимов рақиблари дарвозасига 10 тўп киритиб, турнир тўпурарига айланди.



ФИФА янги бинога кўчиб ўтди

Швейцариянинг Цюрих шаҳрида ФИФАнинг навбатдаги 57-конгресси бўлиб ўтмоқда. Кунини кеча конгресс доирасида мазкур халқаро футбол ташкилоти янги биносининг очилиш маросими бўлди.

Uff.uz сайтидан олинган хабарда ёзилишича, бино 2003 йил сентябрь ойида қурила бошланган эди. Қурилиш ишларига 240 миллион Швейцария франки миқдориде маблағ сарфланган.

Ўзига хос замонавий архитектура асосида бунёд этилган бино ҳудуди 44 минг квадрат метрни ташкил этади. У Швейцариялик муҳандис Тилла Теус лойиҳаси асосида қурилди.

Ижодий танлов ғолиблари

Май ойи якунига кўра, газетамда чоп этилган Анвар Обиджоннинг «Нон исси», Абдували Кутбиддиновнинг «Истиқлолнинг буюк шаҳри», Нодир Жонузокнинг «Марғилонда Қумушни кўрдим...» мақолалари ойнанинг энг яхши публицистик чиқишлари деб эътироф этилди.

«ТОЖ МЕТАЛЛ» ОАЖ акциядорлари диққатига!

«Тож металл очик акциядорлик жамияти акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши 2007 йил 30 июнь кунини соат 10.00да Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 52-уйда жойлашган жамиятнинг мажлислар залида ўтказилади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида қатнашиш ҳуқуқига эга акциядорлар рўйхати 2007 йил 31 май кунига тузилади.

- ЙИГИЛИШ КҮН ТАРТИБИ:**
- «Тож металл» ОАЖ бошқарувининг 2006 молиявий-ҳўжалик йили якунлари бўйича ҳисоботи.
 - Жамият тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
 - 2006 йил якуни бўйича жамият аудиторининг ҳулосасини тасдиқлаш.
 - Жамият кузатув кенгашининг 2006 йилдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи ва қабул қилган қарорларини тасдиқлаш.
 - 2006 йил якуни бўйича жамиятнинг бухгалтерия баланси, фойда ва зарар ҳисобварагини тасдиқлаш.
 - Жамият директори билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш масаласи.
 - Жамиятнинг 2006 йил якунлари бўйича соф фойдасини тақсимлаш тартиби ва дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.
 - Жамиятнинг 2007 йил учун бизнес-режаси ҳамда даромад ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.
 - 2007 йил учун жамият аудиторини тайинлаш.
 - Кузатув кенгаши, жамият бошқаруви, санок ва тафтиш комиссияси аъзоларини тақдирлаш масаласи.
 - Жамиятнинг тафтиш комиссияси таркибини қайта сайлаш.
 - Жамиятнинг кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш.

Йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар ҳамда уларнинг вакиллари йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжатлари билан келишлари сўралади.

Йиғилишга тайёргарлик жараёни ва кун тартиби масалалари тўғрисидаги маълумотларни иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача Андижон шаҳри, А.Фитрат кўчаси, 52-уй манзили бўйича олиш мумкин.

Богланиш телефони: (8-374) 222-24-87.

«Тож металл» очик акциядорлик жамиятининг 2006 йил 31 декабрь ҳолатига БАЛАНСИ

№	Актив	Минг сўм
1.	Асосий воситалар	129153
2.	Ишлаб чиқариш захиралари	1071544
3.	Пул маблағлари	119382
4.	Бошқа активлар	1274
5.	Дебиторлар	1328582
	Жами	2655935
	Пассив	
1.	Устав капитали	290300
2.	Резерв капитали	234567
3.	Тақсимланмаган фойда	22567
4.	Мақсадли тушумлар	991
5.	Ўзоқ муддатли мажбуриятлар	183907
6.	Жорий кредиторлик қарзлар	1323603
7.	Қисқа муддатли банк кредитлари	600000
	Жами	2655935

2006 йил бўйича молиявий натижалар ҳисоботи

Кўрсаткичлар	Даромад	Харажат
Махсулот сотишдан соф тушум	1758050	1464710
Сотилган махсулот таннархи		183038
Давр харажатлари		47476
Бошқа жаранлар бўйича даромадлар	47476	114990
Фонизлар шаклидаги харажатлар		42788
Даромад солигини тўлагунга қадар фойда	42788	20221
Фойдадан солиқлар		22567
Соф фойда		

GAZ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

GAZ-3221 Микроавтобус, 13,15 ўриндиқли

GAZ-31105, «ВОЛГА»

GAZ-33023 «Фермер», юк кўтариши — 1,5 тн., 6 ўриндиқли

GAZ-3307, 40 та газ баллонлари ташувчи

GAZ-2705, 7 ўриндиқли металл билан қопланган фургон, юк кўтариши — 1,3 тн., 3 ёки 7 ўриндиқли

GAZ-3309 Турбодизель юк кўтариши — 4,5 тн., 2 ўриндиқли

GAZ-3307 Автовакуатор

GAZ-3302, нон ташийдиган, лотоклар сони — 112 та, 3 ўриндиқли

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «GAZ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 8-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».

ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, санок моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли асензаторлар, автогидроқўтаргичлар, автоустохоналар, бургулаш (буровые), чикинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.

АВТОДИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилги ташийдиган, самосваллар.

«SITWET INVEST» ҚҚ

Тошкент шаҳри, Андижон, Наманган, Фарғона, Сирдарё, Жиззах, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва Тошкент вилоятларида дилерликка мобил бўлганларни ишга тақлиф этади.

Дилернинг асосий вазифаси қўшма корхонада ишлаб чиқарилган ва омондор мавжуд бўлган куйидаги махсулотларни сотишдир:

- фермер ва деҳқонлар ишлатадиган 80 см. лик пибё, карам ва бошқаларни солиш учун тўр қоплар;
- фермер ва деҳқонлар учун ҳўжалиқлар ҳамда қурилишларда ишлатиладиган ингичка лонта-арқон (лонта-шағат);
- сомон боғлаш учун деҳқонларга ингичка арқон (шағат);
- юк автомобиллари учун автошиналар (240-508R, 260-508R, 280-508R).

Махсулотлар сертификатланган.
Меҳнат ҳақи — келишган ҳолда.

Телефонлар: 135-09-28, 142-50-34.
Манзил: Тошкент шаҳри, «Давозак» даҳаси, Хуршид кўчаси, 1-«Б» уй.

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари университет Умумий тилшунослик кафедраси доценти

Абдураззоқ МАҲМАТОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти жамоаси катта илмий ходим, филология фанлари номзоди Қодиржон Эргашевга онаси

МУҲТАРАМОЙ аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 556. 33764 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Телефонлар: Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

Манзилимиз: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи кўчиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — З. Жонбеков.
Мусоҳах — Ш. Машраббеков.

«Шарқ» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топширилди — 22.00 2 3 4 5 6